



Ro'yxatdan o'tkazildi
Ro'yxat raqami: I-8
Sana: "20" февраль 2023 yil
Imzo: Муратов

“Smart bank” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг
2023 йил “6 ”февраль даги
06-02/1-сонли йигилиш баённомасига
13-илова

**“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ИЧКИ НАЗОРАТ СИЁСАТИ**

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг Ички назорат сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарор ва фармойишлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда “Smart bank” АЖ (кейинги ўринларда Банк деб юритилади)нинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёсат ички назорат тизимининг мақсадлари ва вазифаларини, унинг фаолият юритиш тамойилларини, шунингдек ички назорат учун масъул Банкнинг таркибий тузилма ва ходимларини белгилайди.

2. Ички назорат бу Банкнинг қўйидаги соҳаларда Банк мақсадларига асосланган ва етарлича нисбатан эришилганлиги тасдифини олиш мақсадида таваккалчиликлар бошқаруви, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган узлуксиз амал қилувчи жараён:

фаолият самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан активларни ишлатиш самарадорлиги, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш даражаси;

молия ҳисботининг ишончлилиги ва шубҳасиз тўғрилиги;

банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва ҳукукий меъёрларга мувофиқлик.

3. Ички назорат тизими – Банқда ички ҳужжатлар билан қатъий белгиланган, Банк Тафтишчиси, Ички аудит бошқармаси, Банк Кузатув кенгаш ва ходимлар (ички назорат субъектлари) томонидан барча функциялар бўйича ташкил қилинган ва амалга ошириладиган ички назорат чоралари, тартиботлари ва усувларини текширувчи ташкилий тузилмалар мажмуи.

4. Ички назорат тартиботлари – ички назорат субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари бузилишларини аниқлаш, Банк томонидан белгиланган мақсадларга эришиш самарадорлигини, шунингдек ички назорат тартиботларини реализация қилиш жараёнида ички назорат субъектларининг ўзаро муносабатларини баҳолаш учун йўналтирилган чоралар мажмуи.

2-боб. Сиёсат мақсадлари

5. Ички назоратни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад Банк Ягона акциядори ва мижозларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат.

	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>1-8</u> Sana: <u>10 "Февраль 2023 yil</u> Imzo: <u>Мурод</u></p>
---	--

6. Ички назорат оператив режимда қуидагиларни таъминлаш мажбуриятига эга:

активларнинг яхши сақланиши, ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш;

амалдаги қонун хужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий хужжатлари талабларига риоя қилиниши;

Банкнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли давр учун ривожланиш стратегиялари ҳамда бизнес-режалари бажарилиши;

Банкнинг бухгалтерия хужжатлари, молия ҳисоботлари ва бошқарув маълумотларининг тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги;

банк фаолиятида таваккалчиликларнинг аниқланиши, улар юзага келган пайтда идентификацияланиши ва таҳлил қилиниши;

банк фаолиятида таваккалчиликларнинг режалаштирилиши ва бошқарилиши, шу жумладан таваккалчиликларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва мос қарорлар қабул қилиниши;

Банк Бошқаруви, Кузатув кенгаши аъзоларига ва Банк Тафтишчисига иш хақи, мукофотлар ва бадаллар тўлови, шу жумладан унинг миқдорлари мослиги, очиқлиги ва объективлиги.

3-боб. Сиёсат тамойиллари

7. Банкда Сиёсати қуидаги тамойиллар асосида тузилади:

узлуксизлик. Ички назорат тизимининг доимий ва тегишлича ишлаши Банкка меъёрдан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва келгусида улар юзага келишини огоҳлантириш имконини беради;

ҳисобдорлик. Ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиш сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилиб борилади;

вазифаларнинг тақсимланиши. Такрорланувчи назорат функцияларига йўл қўйилмайди ва ушбу функциялар ходимлар ўртасида муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, активларнинг яхши сақланишини таъминлаш ва уларнинг инвентаризациясини ўtkазиши билан боғлик функциялар бир шахснинг ўзи томонидан бирлаштирилмайдиган тарзда тақсимланади;

операцияларнинг тегишлича маъқулланиши ва тасдиqlаниши. Молия-хўжалик операциялари ваколатли шахслар томонидан уларнинг тааллуқли ваколатлари доирасида амалга оширилади;

кундалик ички назоратни амалга оширадиган ташкилий тузилманинг алоҳидалиги ва унинг бевосита Банк Кузатув кенгашига функционал ҳисобдорлиги таъминланиши;

мунтазам ривожланиш ва такомиллашиш. Ички назорат тизими янги

	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: 1-8 Sana: "20" fevral 2023 yil Imzo: </p>	3
--	--	---

вазифаларни ҳал қилиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурати ҳисобга олинган ҳолда мослашиши учун мосланувчан созланиш шарт-шароитларини таъминлашга интилади;

амалга ошириладиган операциялари тавсифи ва ҳажмига ички назорат тизимининг мувофиқлиги.

8. Ички назорат тизими назорат муҳити, таваккалчиликни баҳолаш жараёни, ахборот тизими, назорат бўйича ҳаракатлар ва назорат муҳитлари мониторинги каби таркибий қисмлардан иборат.

4-боб. Ички назорат органлари

9. Ички назорат Ягона акциядор, Банк Тафтишчиси, Банк Кузатув кенгаши, Ички аудит бошқармаси, Банк Бошқаруви, шунингдек Банкнинг барча даражалардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади, бунда ҳар бири ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

10. Банкда фаолият юритадиган таркибий тузилмаларининг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, тўланадиган иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби, таркибга ва малакага талаблар Банкнинг ички меъёрий хужжатлари билан назарда тутилади. Ушбу хужжатлар бевосита ёки билвосита ички назорат масалаларига дахлдор бошқа хужжатлар каби мазкур Сиёсатга зид келиши мумкин эмас.

11. Ягона акциядонинг ички назоратни амалга ошириш соҳасида ваколатларига қўйидаги масалалар киради:

Банк Кузатув кенгаши аъзоларини, Бошқарув раиси ва Банк ташқи аудиторини сайлаш;

Банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш, унинг ҳисботларини кўриб чиқиш;

йиллик ҳисботларни, шу жумладан банкнинг йиллик бухгалтерия ҳисботларини тасдиқлаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича Банк ташқи аудиторининг тавсияларини кўриб чиқиш Банкнинг молиявий ҳисботларини тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;

амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва манфаатдорлик бўлган битимларни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

12. Ички назорат соҳасида Банк Кузатув кенгашининг функцияси қўйидагилардан иборат:

ички назорат тизимининг муайян операциялари ва стратегиялари ривожланиш йўналишларини белгилаш ва тасдиқлаш;

Банк Ягона акциядори йиғилишида Банк тафтишчиси, Банк Бошқаруви

	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: I-8 Sana: "20" fevral 2023-yil Imzo: </p>	4
--	---	---

раиси, Банк ички ва ташқи аудитнинг мунтазам ҳисоботлари маълумотларига, бошқа манбалардан олинган маълумотларга, молиявий назорат, операцион назорат, қонун хужжатларига риоя қилиниши устидан назорат, ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида хабардор қилиш;

самарали ички назорат тизимини яратиш ва ишлашини таъминлаш;

Ички аудит бошқармаси, ташқи аудиторлик ташкилоти ва назорат органларининг тавсиялари ва мулоҳазаларини тезкор бажарилиши бўйича чораларини кўриш;

Банк ички назорат тизимининг ўзгариши ҳолатларида банк фаолиятининг хусусияти ва кўламига мувофиқлигини назорат қилиш;

ички назорат тартиботларини мунтазам равишда такомиллаштириш.

13. Банк Тафтишчиси банк фаолияти устидан молиявий-хўжалик ва хукуқий ички назорат функцияларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади. Жумладан,:
Банкнинг молиявий йил фаолияти яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини тафтишдан ўтказади;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тафтиш натижаларига кўра, тафтиш натижалари тўғрисидаги асосий хулосаларни ўз ичига олган хулоса тузади;

тафтиш давомида аниқланган қоидабузарликларнинг рўйхатини тузади ва уларни бартараф этишни бўйича таклиф киритади;

Банк Кузатув кенгашига, Банк Бошқаруви Раисига кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш учун текширув материалларини тақдим қиласди.

14. Ички аудит бошқармаси мунтазам назоратнинг амалга оширилиши, айнан Банк томонидан амалга ошириладиган молиявий-хўжалик операцияларининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерия ва молиявий ҳисобот тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги учун масъул ҳисобланади.


Ички аудит бошқармаси ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ молиявий-хўжалик фаолиятини ички назорат тартиб-қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича куйидагиларни бажаради:

банк фаолиятининг барча йўналишларини текшириш, умуман ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

Банкнинг ички хужжатларига мувофиқ Банк хатарларини ва хатарларини бошқариш тартибларини баҳолаш методологиясининг самарадорлигини ва Банкнинг ушбу хужжатлари қўлланилишининг тўлиқлигини текшириш;

Банк номидан операциялар ва битимларни амалга оширишда ходимларнинг лавозим ваколатларига мувофиқлиги устидан назорат;

текшириш натижалари бўйича Банк Кузатув кенгашига камида олти



ойда бир марта тавсияларни бажариш ва аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида, шунингдек банк фаолиятининг айрим турларида ички назорат функцияларини бажарувчи тузилмаларнинг текширилиши тўғрисида маълумот тақдим этиш;

бухгалтерия хисоби ва ҳисоботнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, ўз вақтида бўлишини ва холислигини, шунингдек маълумот ва ҳисоботни йиғиш ва тақдим этишнинг ишончлилигини ўрганиш ва синовдан ўтказиш;

Банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ва бошқа битимларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, тасдиқланган йиллик ва узоқ муддатли режаларга мувофиқ банк фаолиятининг молиявий-иктисодий томонларини мунтазам равища текшириш;

алоҳида функциялар ёки операцияларни бажарилишини ташкил этиш бўйича мақсадли текширишлар.

15. Қуйидаги шахслар Банк Тафтишчиси бўлиши ёки Ички аудит бошқармасидаги лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга эмаслар:

иктисодий соҳадаги жиноятлар ёки тартибга қарши жиноятлар учун судланганлиги бекор қилинмаган шахслар;

Банкнинг Бошқарув раиси ёки аъзолари ҳисобланган шахслар;


таъсисчилар (акциядорлар, иштирокчилар), Банкка рақобатчи бўлган бошқа юридик шахснинг ходимлари ҳисобланган шахслар.

16. Банк Тафтишчиси ва Ички аудит бошқармаси таркибига кирувчи шахсларга бошқа талаблар уларнинг фаолиятини қатъий белгилайдиган ички меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

17. Ички назорат тизими фаолияти учун жавобгарлик Бошқарув раиси зиммасига юкланади. Банкнинг Бошқарув раиси ички назорат тизими тартиботларини жорий қиласи ва Кузатув кенгашни Банкнинг барча таваккалчиликлари, ички назорат тизимининг жиддий камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилган ҳолда, унинг самарали ишлашини таъминлайди.

18. Банкнинг ҳар бир ходими ички назорат жараёнида иштирок этади. Жалб қилиниш даражаси бажариладиган ишнинг хусусиятига ва лавозим вазифаларига боғлиқ. Назорат функцияларини бажариш учун ходимларнинг шахсий жавобгарлиги уларнинг лавозим йўриқномаларида ва ички ҳужжатларда белгиланади.

19. Ички назорат тизимининг тегишлича фаолият юритиши ходимларнинг юкори касбий малакаларига ҳам боғлиқдир. Банк кадрларни



танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш тизими уларнинг юқори малакали бўлишларини ва улар томонидан юқори одоб-ахлоқ стандартларига риоя қилинишини таъминлаши учун бор имкониятларини ишга солади.

5-боб. Ички назорат тартиботлари

20. Ички назорат тартиботлари Банкнинг ички меъёрий хужжатлари билан белгиланган қоидаларга мувофиқ Банк Бошқарувининг барча даражаларида амалга оширилади.

21. Банкдаги ички назорат тартиботлари қуидагиларни ўз ичига олади:
мувофиқлаштириш. Тааллуқли ваколатлар берилган турли тузилмалар ва Бошқарув ходимлари томонидан хужжатларнинг маъқулланиши;
авторизациялаш. Ходимлар томонидан операцияларни амалга ошириш учун рухсат олиниши;

солишистириш. Турли манбалардан олинган ахборотнинг тўлиқлигини, аниқлигини, қарама-қарши эмаслигини ва тўғрилигини текшириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби моддалари, ҳисобга олиш тизимлари, Банк ва унинг контрагентлари ҳисоб маълумотлари ўртасида фарқлар мавжуд эмаслигини назорат қилиш;

арифметик назорат. Молия, бухгалтерия ва бошқа хужжатларда ҳисоб-китоблар, шу жумладан назорат суммалари ҳисобининг арифметик тўғрилигини текшириш;

тафовутлар таҳлили. Банк фаолиятининг ҳақиқий қўрсаткичларини режадаги қўрсаткичлар, прогнозлар, олдинги даврлар маълумотлари, рақобатчилар фаолияти натижалари билан солишистириш асосида белгиланган мақсадларга эришиш ва режаларни бажариш даражаларини баҳолаш;


инвентаризация. Бухгалтерия ҳисобининг шубҳасиз тўғрилигини ва Банк активларининг яхши сақланишини таъминлаш мақсадида активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий мавжудлигини ва сифат тавсифларини аниқлаш ва таснифлаш;

ахборот технологиялари назорат тартиботлари. Фойдаланиш назорати, маълумотлар яхлитлиги, ахборот тизимига ўзгартиришлар киритилиши.

22. Муайян назорат тартиботлари мазмuni таркибий тузилмалар томонидан Банкнинг мақсадларига ва таркибий тузилмаларнинг вазифаларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва ички меъёрий хужжатлари билан белгиланади.

6-боб. Ички назорат органлари фаолиятини мониторинг қилиш воситаси

23. Мониторинг ўтказишдан кўзланган мақсад Банкнинг ички назорат тизими самарадорлигини, шу жумладан унинг ўз олдига қўйилган мақсад ва



вазифалар бажарилишини таъминлаш имкониятини баҳолаш, шунингдек тизим камчиликлари жиддийлигини аниқлашдан иборат.

24. Банк ички назорат тизими мониторингини доимий равища амалга оширади. Ички назорат тизими мониторингини Банкнинг турли тузилмалари томонидан амалга оширилади.

25. Банкнинг ички назорат органлари йилнинг ҳар чорагида Банк Кузатув кенгashi олдида ўз функционал вазифалари мувофиқ ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

26. Банкнинг бир йил ичида молия-хўжалик фаолияти текширувлари якунлари бўйича Банк Тафтишчиси хулоса тузади, ушбу хулоса Банк Ягона акциядори йиғилишида тингланади.

27. Ташки аудитор ички назорат тизими текширишда ички назоратнинг амалдаги тизими кўздан кечиради, назорат воситаларининг мақсадга мувофиқлигини баҳолайди, ички назорат тизими самарадорлиги текширувини ўтказади.

Ички назорат тартиботларини ўрганиш ва баҳолашда хўжалик операцияларини ўтказиш учун рухсат берилганлигига, вазифалар тақсимланишига, назорат тадбирларини ўтказишда ҳужжатлаштириш ва қайд этилишга алоҳида дикқат-эътибор қаратилади.

28. Банкнинг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотларни жалб қилиш Банк Кузатув кенгashi қарори бўйича танлов асосида амалга оширилади.

29. Ички назорат тизими мониторинги камчиликларни ўз вактида аниқлаш ва уларни бартараф қилиш учун йўналтирилган.

7-боб. Якуний қоидалар

30. Банк бошқарув органлари ички назорат тизими доимий равища мониторинг қиласи ва самарадорлигини баҳолаб боради.

31. Мазкур Сиёсат талабларини бузган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

32. Ушбу Сиёсатга киритиладиган ўзgartiriши ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади.

33. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

34. Ушбу Сиёсатнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзgartiriши ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонунчик ҳужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал килинади.

Ro'yxatdan o'tkazildi

Ro'yxat raqami: I-8

Sana: "10" fevral 2023 yil

Imzo: Муродзода Руслан



ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий экспертизадан
ўтказиши түғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Ички назорат Сиёсати.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Қонунларига банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий хужжатлари ҳамда банкнинг
Устави талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банкда ички
назорат тизимининг мақсадлари ва вазифаларини, тамойилларини,
ички назорат органлари, уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш
воситаси, тартиботлари каби масалаларни тартибга солишга
қаратилган.

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси
қоидаларига риоя қилинган.

Хуқуқшунос

М.Ғуломжонова